

Тошкент шаҳрида имом-хатиблар учун тажвид дарслари давом этмоқда



20:11 / 16.11.2023 1016

Бугун, 16 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудир шайх Алижон қори бошчилигида имом-хатиблар учун навбатдаги тажвид дарси бўлиб ўтди.

«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасида бўлиб ўтган тажвид дарсида **Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти имом-хатиблари** офлайн тарзда қатнашдилар. Шунингдек, бошқа вилоятлардаги имом-хатиблар учун ташкил қилинган онлайн дарслари ҳам «**Қуръон ва тажвидни ўргатиш**» бўлими ходимлари томонидан назорат қилиб борилди.

Имом-хатиблар ўн қироат соҳиби **шайх Алижон қори** бошчилигидаги устозларга араб ҳарфларининг махражларини ўқиб бериб, тажвид борасидаги малакаларини ошириб бормоқдалар.







Эслатиб ўтамиз, дарслар «**ALQURAN MASS MEDIA**» МЧЖ томонидан нашрга тайёрланган «Муаллими соний» китоби (ДИҚнинг 29.12.2022 йил, 9818-сонли хати билан рухсат этилган) асосида ишлаб чиқилган ва ўМИ томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ олиб борилмоқда.